
#БРИФИНГ

Бугун Риштон тумани ҳокимлиги мажлислар залида Риштон тумани ҳокимининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Азиз Мустафоқулов ва сектор раҳбарлари иштирокида брифинг ўтказилди. Унда туманимизда 2021 йилда уй-жой билан таъминлаш борасида олиб борилган ишлар юзасидан маълумот берилди. Хусусан, биргина “Марказ” МФЙнинг ўзида Худудларда ипотека дастурларини амалга ошириш, кўп квартирали уй-жойлар массивларини барпо этиш, уларни инфратузилма билан таъминлаш юзасидан 18 та тўрт қаватли 400 тадан ортиқ хонадондан иборат турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди бу ерда асосан ёшлар истиқомат қилишади. Айтганча, “Янги Ўзбекистон” мавзесида “Ёшлар гузари” ва “Марказ” МФЙ идораси ҳам жойлашган. Бундан ташқари, 150 ўринли болалар боғчаси ҳам ушбу мавзеда жойлашган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сонли фармонида асосан “Нурафшон” массивида “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Фарғона вилояти филиали томонидан 2 донга 5 қаватли 60 хонадонли, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан 2 донга 5 қаватли 1 подъездли 50 хонадонлардан ҳамда вилоят ҳокими ташаббуси билан 5 донга 5 қаватли 1 подъездли 125 хонадонли, жами 235 хонадонлардан иборат турар-жой бинолари қурилиши олиб борилмоқда.

2022-05-16 11:43:44